

O. Uayld ertaklarida personajlar obrazlarini yaratishda qoʻllangan uslubiy vositalarning oʻzbek tarjimalarida berilishi

Ochilov Nodirbek Sayfulloyevich,
ochilovn@gmail.com
erkin tadqiqotchi
Buxoro davlat universiteti

Annotatsiya. Maqolada Oskar Uayld ertaklarida personajlar obrazlarini yaratishda qoʻllangan baʼzi leksik uslubiy vositalarning inglizchadan oʻzbek tiliga oʻgirilishi muammolari oʻrganilgan.

Kalit soʻzlar: Oskar Uayld, estetizm, muqobil tarjima, uslubiy vosita, oʻxshatish, epitet, bevosita tarjima, bivosita tarjima, umumlashtirish.

Приведение в узбекских переводах стилистических приемов, использованных при создании образов персонажей сказок О. Уайльда

Очилов Нодирбек Сайфуллоевич,
ochilovn@gmail.com
исследователь
Бухарский Государственный Университет

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы передачи некоторых лексических стилистических приёмов, использованных при создании образов персонажей сказок Оскара Уайльда, с английского на узбекский язык.

Ключевые слова: Оскара Уайльд, эстетизм, адекватный перевод, стилистический приём, сравнение, эпитет, непосредственный перевод, опосредственный перевод, генерализация.

Giving in Uzbek translations of methodological tools used in the creation of character images in O. Wilde tales

Ochilov Nodirbek Saifulloyevich,
ochilovn@gmail.com
free explorer
Bukhara State University

Annotation. The article deals with the problems of re-creating some image-making lexical stylistic devices in translations of the fairy-tales by Oscar Wilde from English into Uzbek.

Keywords: Oscar Wilde, aesthetic movement, adequate translation, stylistic device, simile, epithet, direct translation, indirect translation, generalization.

KIRISH. Maʼlumki, badiiy adabiyotda har bir muallif oʻzining takrorlanmas uslubiga ega. Bir mavzuning oʻzi turli uslubda berilganda, kitobxonda turlicha taassurot qoldiradi. “Oskar Uayld (1854-1900) estetizm oqimining namoyandasi boʻlgani sababli, shu oqimga xos boʻlgan “sanʼat sanʼat uchun” degan aqidaga amal qilib, oʻz asarlarida goʻzallikni tasvirlashga alohida eʼtibor qaratgan” (Ochilov, 2023; 356-357). Bu vositalar adibga estetik yozuvchilarga xos boʻlgan bayonda shakliy va zohiriy goʻzallikni yaratishga koʻmaklashgan.

Ingliz tilidagi badiiy adabiyot namunalarini o‘zbek tiliga tarjima qilish zamon talabi darajasiga ko‘tarilar ekan, endi tarjima qilinayotgan asarning faqat muzumini muqobil qayta yaratish bilan cheklanmasdan, asarning uslubi, yozuvchining ijodiy metodi bilan bog‘liq tomonlariga ham alohida e‘tibor qaratiladi. Shu nuqtai nazardan, ertaklardagi personajlar obrazini yaratishda ishtirik etgan uslubiy vositalar, ularning tarjimada qayta yaratilishi imkoniyatini o‘rganish ham ma‘lum ahamiyat kasb etadi.

ASOSIY QISM. Estetizm oqimiga mansub yozuvchilar ijodida o‘xshatish va sifatlash(epitet)larning alohida o‘rin tutishi tabiiy, chunki ular tasvir va muallif munosabatini ifodalashda muhim o‘rin tutadi.

Quyidagi “Yulduz bola” ertagidan olingan misolda qo‘llangan o‘xshatishlar ham asliyat muallifining badiiy uslubini ifodalashda muhim o‘rin tutgan:

So the Star-Child was brought up with the children of the Woodcutter, and sat at the same board with them, and was their playmate. And every year he became more beautiful to look at, so that all those who dwelt in the village were filled with wonder, for, while they were swarthy and black-haired, he was white and delicate as sawn ivory, and his curls were like the rings of the daffodil. His lips, also, were like the petals of a red flower, and his eyes were like violets by a river of pure water, and his body like the narcissus of a field where the mower comes not.

Tarjimasi:

Шундай қилиб, Юлдуз-бола ўтинчининг болалари билан бир товоқдан ош еб, бирга ўйнаб ўса бошлади. Ёилдан-йилга боланинг чиройига чирой қўшилар, қишлоқ аҳли эса унинг гўзаллигини кўриб, ҳайратдан бармоқларини тишлашардн, чунки уларнинг барчаси қорача қорасоч бўлишса, боланинг юзн фил суягидан ясалгандек оппоқ ва бежирим эди, олтин жингала сочлари нарғиснинг гулбаргларидек, лаблари – қизил гунчадек, кўзлари эса жилганинг тиниқ сувидаги бинафшанинг аксидек эди. Қадди-қомати ўроқчининг қадами етмаган қалин майсалар ўртасида ўсган гулдек келишган эди (Uayld, 1988; 26).

Keltirilgan misol va uning o‘zbek tilidagi tarjimasida go‘zallikni tasvirlashga qaratilgan o‘xshatishlar:

Asliyatda	O‘zbek tarjimasida
white and delicate as sawn ivory	fil suyagidan yasalgandek oppoq va bejirnm
his curls were like the rings of the daffodile	oltin jingala sochlari nargisning gulbarglaridek
His lips, also, were like the petals of a red flower	lablarn – qizil g‘unchadek
his eyes were like violets by a river of pure water	ko‘zlari esa jilg‘aniig tiniq suvidagi binafshaning aksidek
his body like the narcissus of a field where the mower comes not.	Qaddi-qomati o‘roqchiniig qadami etmagan qalin maysalar o‘rtasida o‘sgan guldek

Yozuvchi Yulduz bola chiroyini birgina “U haddan tashqari go‘zal edi” gapi bilan ham tasvirlashi mumkin edi, ammo u o‘zining estetik tamoyillariga amal qilib, personaj go‘zalligini uning har bir unsurini alohida chizgilar bilan berish orqali tasvirlagan va ularni parallel konstruksiyalarda voqelaganki, bu ham prozaik asarda o‘ziga xos ritm yaratib, o‘xshatishlarning bo‘rtib turishiga sabab bo‘lgan.

Yuqoridagi jadvalda ko‘rinib turibdiki, Oskar Uayld ertagidagi estetizm xususiyatlari o‘zbek tarjimasida ham o‘z ifodasini topgan. Tajimada ham personaj go‘zalligining detallashtirilgan estetik talqini seziladi. Tarjimon o‘z ishini umumlashtirishlar vositasida yengillashtirishga emas, balki muallifday detallashtirilgan tasvirdan foydalanib, o‘xshatishlarni parallel konstruksiyalarda berib, asliyatning uslubiy jihatlarini qayta yaratishga harakat qilgan.

Oskar Uayld ertaklari tahlili shuni ko'rsatadiki, u faqat go'zallikni emas, balki uning aksi bo'lgan xunuklikni ham o'rinlatib tasvirlagan: Yulduz bola juda go'zalligidan faxrlanadi, kibrga beriladi, atrofidagilarni pisand qilmay qo'yadi. Kunlardan bir kun onasi topilganda, uning tilanchiligini, juldirvaqi kiyinganligini ko'rib, uni tan olmaydi va haydab yuboradi. Shundan keyin Yulduz bola xunuk basharali kimsaga aylanib qoladi. Yozuvchi uning badbasharaligini quyidagicha tasvirlaydi:

His face was as the face of a toad, and his body was scaled like an adder.

Tarjimon bu tasvirni ham o'zbek tiliga muqobil tarjima qila olgan:

Yuzi xuddi baqanikidek, badani esa ilonnikidek tanga-tanga po'st bilan qoplangandi.

Oskar Uayldning ezgulikni targ'ib qilgan yana bir ertagi "Selfish Giant" bo'lib uni M.Mahmudov va A.Muhammadievlar ingliz tilidan o'zbek tiliga "Xudbin dev" nomi bilan, Eldor Fozilov esa "Xudbin pahlavon" sarlavhasi ostida tarjima qilganlar. Ko'rinib turganiday bosh personajni tasvirlovchi asosiy sifatlovchi "xudbin" har ikkala tarjimada asliyatga muqobil o'girilgan. Ingliz uslubshunosligi bo'yicha qator darslik va qo'llanmalar muallifi I.R.Galperin epitetning bosh vazifasi muallifning biron narsaga bo'lgan munosabatini bildirish deb hisoblaydi (Galperin, 1977; 157-158).

Sarlavhadagi "Xudbin" so'zida ham muallif munosabati mavjud bo'lib, tarjimada adekvatlikka erishilgan. "Dev" va "pahlavon" so'zlariga kelsak, fikrimizcha, ushbu kontekstda "pahlavon" so'zidan ko'ra "dev" asliyatga yaqinroq qabul qilinadi. Shuningdek lug'atlarda "dev" so'zi ingliz tiliga "giant", "ogre" so'zlari bilan berilgan.

"Selfish Giant" ertagi o'zbek tiliga rus tilidan ham Aziza Ahmadova tomonidan o'girilgan.

Ma'lumki ingliz tilidagi ertaklar aksar hollarda "Once upon a time" iborasi bilan boshlanadi, ammo Oskar Uayld ertaklari xalq ertaklaridan farqli o'laroq, to'g'ridan to'g'ri voqeani bayon etish bilan boshlanadi. Bu ham yozuvchining o'ziga xos uslubi bo'lib, tarjimon uni realistik qabul qilib, tarjima matnida asliyatga muqobil qayta yaratishi lozim. E'tiborlisi shuki, ertakning ichida ertak berilganda, ertakchi bayoni shu ibora bilan boshlangan. Bunga misol tariqasida "Sodiq do'st" ertagi ichidagi hikoyachi Sa'vaning ertagi "Once upon a time" iborasi bilan boshlanganini ko'rsatish mumkin. Bu muallifga o'z ertagini personaj ertagidan ajratib ifoda etish imkoniyatini bergan.

"Xudbin dev" ertagining o'zbek tiliga bevosita tarjimonlari Eldor Fozilov, M.Махмудов ва А.Мухаммадиевлар yozuvchi uslubining shu jihatini o'zbek tiliga mutanosib qayta yaratganlar, ya'ni ularning tarjimalarida Oskar Uayldning ertakchilik uslubiga amal qilingan.

"Selfish Giant" ertagi o'zbek tiliga rus tilidan ham o'girilgan bo'lib, uni Aziza Ahmadova amalga oshirgan. Uning tarjimasining boshlanishi o'zbek xalq ertaklariga o'xshatilgan:

Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан. Чумчуқ чақимчи экан, қарға қақимчи экан. Ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан. Тошбақа тарозибон экан, қурбақа ундан қарздор экан. Бир қишлоқда келбати девдек, феъли чатоқ бир паҳлавон алмисоқдан қолган қасрида ёлғиз ўзи умргузаронлик қилар экан. У ҳеч кимга қўшилмас, ўзидан бошқани суймас экан. Унинг катта гаройиб боғи бўлиб, ўша ерлик болаларнинг боққа кириб ўйнагиси келар, бироқ турқи совуқ, вазоҳатли паҳлавондан ўлғудай қўрққанлари боис ҳатто боғ ёнидан ҳадиксираб ўтишаркан (Uayld, 2014).

Ko'rinib turibdiki ushbu ertak tarjima xuddi o'zbek xalq ertaklariday boshlangan. Tili ham ravon va chiroyli. Ammo bu Oskar Uayld uslubi emas.

Uayldning ertaklari bir biridan tuzilishi, yakunlanishi, o'quvchiga hissiy ta'sir etishi bilan farqlanadi. Personajlarning obrazini yaratishda ham muallif turli yo'ldan boradi: ularda ba'zida muallif hikoyasi, ba'zida poliloglar yoki dialoglar, ba'zida esa personajlar hikoyasi bevosita yoki bivosita obraz yaratishda muhim rol o'ynaydi.

"Xudbin dev" ertagining asosiy dinamik qahramoni dev ertakda dastlab salbiy xususiyatlari bilan namoyon bo'lib, keyinchalik ijobiy tomonga o'zgaradi. Bosh personaj dinamikasida ishtirok etgan "And the Giant's heart melted as he looked out" gapi o'zbekchaga quyidagicha o'girilgan:

Buni derazasidai ko'rib turgan Dev favqulodda ta'sirlanib ketdi. (M. Mahmudov va A. Muhammadiev tarjiması)

Bu holni ko'rdi-yu Pahlavonning yuragi ezilib ketdi. (Eldor Fozilov tarjiması)

“The Giant's heart **melted**” (soʻzma-soʻz: Devning yuragi eridi) gapi Dev xarakteri oʻzgarishining boshlanishini belgilab bergan. Bu konventsional metafora (“melted”) orqali muallif devning yuragi (koʻchma maʼnoda) muzlagan boʻlganini, yaʼni u har qanday his-tuygʻudan mosuvo boʻlganini, endi esa mitti bolaning daraxtga chiqolmagani, daraxtning oʻzi unga egilgani, ammo shunda ham bolakay maqsadiga erishmaganini koʻrib, taʼsirlanib ketganini va bu taʼsirlanishdan devning yuragidagi muz erib ketganini tasvirlagan. Uzbek tarjimalarida gapning maʼnosi toʻgʻri berilgan, ammo shu gap uchun muhim boʻlgan metafora yoʻqotilgan. Fikrimizcha, bu oʻrinda metaforani saqlab qolish imkoniyati bor edi. Misol uchun gapni “Bu holni koʻrdi-yu Devning yuragi erib ketdi” yoki “Bu holni koʻrdi-yu Devning yuragidagi muz erib ketdi” tarzida tarjima qilinsa metafora ham, muallifning ifoda etmoqchi bolgan fikri ham saqlanib qolardi.

Uayld ertaklarining yana bir oʻquvchi yuragini ezadigan, ogʻir hissiyotlarni uygʻotadigan qahramoni bu - “Bulbul va atirgul” ertagidagi bulbul. U talaba va professor qizi oʻrtasidagi munosabatning chin muhabbatligiga ishonib, ular uchun jonini qurbon qilib, ajoyib qizil atirgulning yaratilishiga sabab boʻladi. U bu bilan muhabbatning hamma tuygʻulardan ustun turishini isbotlamoqchi boʻladi. Ammo oxir-oqibat yoshlar uning hayoti evaziga yaratilgan qizil atirgul qadriga yetmaydilar:

‘You said that you would dance with me if I brought you a red rose,’ cried the Student. ‘Here is the reddest rose in all the world. You will wear it to-night next your heart, and as we dance together it will tell you how I love you.’

But the girl frowned.

‘I am afraid it will not go with my dress,’ she answered; ‘and, besides, the Chamberlain's nephew has sent me some real jewels, and everybody knows that jewels cost far more than flowers.’

‘Well, upon my word, you are very ungrateful,’ said the Student angrily; and he threw the rose into the street, where it fell into the gutter, and a cart-wheel went over it (Wilde).

Tarjiması:

– Сиз, қизил атиргул келтирсам, мен билан рақсга тушмоқчи эдингиз,– деди Талаба,– Мана, дунёдаги энг қизил атиргул. Оқшом уни юрагингизга яқинроқ жойга тангиб олинг. Рақсга тушаётган пайтимизда у сизни қанчалик севишимни айтиб беради.

Бироқ, қиз хўмрайиб олди.

– Мемимча, у кўйлагимга унчалик мос тушмаса керак,– деб жавоб берди у.– Бунинг устига сарой бошқарувчисининг жияни менга қимматбаҳо тош совға қилиб юбордн. Унинг ҳар қандай гулдан ҳам анча қиммат туриши ҳаммага аён.

– Нақадар ношукур экансиз–; деди жаҳл билан талаба ва атиргулни ерга улоқтирди. У йўлгага келиб тушди ва арава гилдираklarининг остида эзилиб кетди (Uayld, 1988; 26).

Bulbulning qoni va joni evaziga erishilgan gulning shunchalik ayanchli zavol topishi, tabiiyki, oʻquvchining his tuygʻulariga taʼsir etmay qoʻymaydi. Hammadan ham talabaning oxir-oqibatda bulbul kuylagan muhabbatni (“Silly”- epitet) axmaqona narsa deb atashi oʻquvchi hissiyotidagi taassufning yanada oshishiga sabab boʻladi.

XULOSA. Har qanday badiiy asarning nodirligiga (unikalligiga) sabab uning til va uslubining oʻziga xosligidir. Bu oʻziga xoslik uslubiy vositalarni qoʻllashda ham namoyon boʻladi. Oskar Uayldning asarlarida voqea-hodisalarni koʻplab uslubiy vositalardan foydalangan holda taʼsirchan, emotsional, boʻyoqdor bayon etishga intilish sezilib turadi, demak u asarlarining shakliy tashqi goʻzalligiga alohida eʼtibor qaratgan. Tabiatni, personajlar goʻzalligi yoki xunukligini tasvirlash uchun uslubiy oʻxshatishlar, epitetlar, metaforik epitetlar, metaforalardan keng foydalangan va ularni oʻzbek tiliga tarjimalarda qayta yaratish muhim. Buni his etgan oʻzbek tarjimonlari Uayld tilining boʻyoqdorligini tiklashga harakat qilganlar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Galperin I.R. Stylistics. - Moscow: Higher School Publishing House, 1977. – P.157-158.
2. Gover Roger. Past into Present. An Anthology of British and American Literature. – Edinburgh: Longman, 2000.- 471p.
3. Ochilov N.S. Оскар Уайльд “Happy Prince” (“Бахтли Шахзода”) эртаги ўзбек тилидаги таржималарининг қиёсий таҳлили. European Journal of Interdisciplinary Research and Development Volume-16 June 2023 Website: www.ejird.journalspark.org ISSN (E): 2720-574. - Б. 356-360.
4. Uayld O. Yulduz bola. – Toshkent: Yosh gvardiya, 1988. (Inglizchadan M.Mahmudov va A.Muhammadiyev tarjimalari.)
5. Uayld, Oskar. Xudbin Pahlavon. Rus tilidan Aziza Ahmadova tarjimasi - [www. Ziyouz.uz.com](http://www.Ziyouz.uz.com). 2014
6. Uayld. Oskar. Xudbin Pahlavon. Inglizchadan Eldor Fozilov tarjimasi.- www. Ziyouz.uz.com. 2014
7. Утебская Н.Л. Английская и американская литература. – Санкт-Петербург, 2007. - 400 с.
8. Wilde, Oscar. The Nightingale and the Rose. <https://www.eastoftheweb.com/short-stories/UBooks/NigRos.shtml>
9. Wilde, Oscar. The Selfish Giant. Wilde. <https://www.helpforenglish.cz/>